

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risidagi

GUVOHNOMA



Yuridik shaxs

"ORGRES" AKSIYADORLIK JAMIYATI

Tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holda yuridik shaxs - tadbirkorlik subyektining to'liq nomi

"ORGRES" AJ

Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi

200 797 522

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatga olish, axborotni o'zgartirish)

04.09.2014

Sana

004706-08

Tasdiqlandi

Tashkiliy-huquqiy shakli:

AKSIYADORLIK JAMIYATI

Faoliyat yuritadigan manzil:

TOSHKENT SHAHRI, CHILONZOR TUMANI, MUQIMIY KO'CHASI, 190-UY

Tomonidan berilgan:

CHILONZOR TUMANI DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI

1137269



«ORGRES» акциядорлик жамияти
Акциядорлари умумий йиғилишининг
2023 йил 27 июндаги

қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»



Умумий йиғилиш раиси

Мухитдинов М.К.

«ORGRES»

AKSIYADORLIK JAMIYATI

У С Т А В И

(янги тахрир)

Тошкент – 2023 йил

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун (бундан буён - Қонун) ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. Жамият ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ олиб боради.

1.3. Жамиятнинг тўлиқ фирма номи:

Ўзбек тилида: - «ORGRES» aksiyadorlik jamiyati (матн давомида - Жамият деб юритилади)

Рус тилида: - акционерное общество «ORGRES»

Жамиятнинг қисқартирилган номи:

Ўзбек тилида: - «ORGRES» AJ

Рус тилида: - АО «ORGRES»

1.4. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси, 190 уй. Индекс: 100096.

1.5. Жамиятнинг электрон почта манзили: orgres@orgres.uz

1.6. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.ao.orgres.uz

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ СОХАСИ (АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ) ВА МАҚСАДИ

2.1. Жамият ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятидан фойда олишдир.

2.2. Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қуйидаги турларини амалга оширади:

➤ янги қуриладиган, кенгайтириладиган ва реконструкция қилинадиган корхоналарда ишга тушириш - созилаш ишлари, қурилиш - монтаж ишлари, шефмонтаж, сервис хизматларини кўрсатиш, шунингдек белгиланган жойни ишга тушириш бўйича тадбирларни бошдан охиригача амалга ошириш;

➤ иссиқлик механик, электрқучланиш ускуналарини ва ёритиш тузилмаларини янгилаш, тиклаш, ишга тушириш ва тартибли созилаш, монтаж, таъмирлаш ва ҳамма турдаги синовларини бажариш;

➤ иссиқлик энергетик тизимларининг қурилмалари ва халқ хўжакалигининг бошқа тармоқлари учун газ ишлатувчи ускуна ва ёнувчи тузилмаларни лойihalаш;

➤ «SANOATKONTEKHNAZORAT»га қарашли, босим остида ишловчи идишларни лойihalаш;

➤ электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқилиши ва тақсимланиши бўйича лойиха ечимларини экспертиза ва таҳлили;

➤ янги техника ва замонавий технологияларни жорий этишдаги ташкилий ва методик ёрдам кўрсатиш;

➤ ёнгинага қарши автоматика, қўриқлаш, ёнгинага қарши ва ёнгина-қўриқлаш сигнализацияларини лойihalаш, монтаж қилиш, тузатиш, таъмирлаш ва сервис хизматини кўрсатиш;

➤ технологик назорат тизимларини, муҳофаза, сигнализация, ҳисоблаш техникаси, электроавтоматика, телемеханика ва алоқаларни тузатиш ва таъмирлаш;

➤ иш тақсимловчи ва технологик бошқармалар воситаларини тузатиш ва таъмирлаш;

➤ таълим жараёнини ташкил қилиш, консалтинг ва малакани ошириш қонунда белгиланганлиги бўйича сертификатлар ва тегишли ҳужжатлар бериш, ўқув-ишлаб чиқариш фаолиятини олиб бориш, ўқув воситаларини ишлаб чиқариш;

➤ давлат ва расмий синовлар ўтказиш, камчиликларни топиш, синов текширув ишлари, статистик назорат, тежамкорлик ва кўрсаткичларини таҳлил қилиш;

➤ АСУТП учун программа таъминотини ишлаб чиқариш, сотиш;

- энергетик корхоналарни умумий ва мақсадли текширувларида иштирок этиш, таъмирлаш, ишлатиш ҳолатини таҳлил қилиш ва энергоускуналарни тежамкорлигини ва мустаҳкамлигини ошириш бўйича уз маслаҳатларини бериш;
- барча турдаги қувурлар металлари ҳолатини назорат қилиш;
- мол-мулкни ижарага бериш;
- қонунчиликда белгиланган бошқа фаолият турларини урнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

III. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

3.1. Жамиятнинг устав фонди акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади.

3.2. Жамиятнинг устав фонди **666 680 000 (олти юз олтмиш олти миллион олти юз саксон минг)** сўмни ташкил қилади ва ҳар бирининг номинал қиймати **1 000 (бир минг)** сўм бўлган **666 680 (олти юз олтмиш олти минг олти юз саксон)** дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

- меҳнат жамоасининг улуши 10,0 % ёки, **66 668** дона акцияга бўлинган, **66 668 000** сўм.
- очик савдо улуши - 90,0 % ёки, **600 012** дона акцияга бўлинган, **600 012 000** сўм.

а) Жамиятнинг Устав капиталини кўпайтириш

3.3. Жамиятнинг устав капитални кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.4. Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилади.

3.5. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати **1 000 (бир минг)** сўм бўлган **6 000 000 (олти миллион)** дона оддий акциялардан иборат.

3.6. Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча акцияларнинг умумий қиймати, сони, тури, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.7. Кўшимча чиқарилаётган акциялар очик ёки ёпиқ обуна усули билан ташкил этилган ёки ташкил этилмаган бозорда жойлаштирилади.

3.8. Кўшимча чиқарилган акциялар бозор қийматида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган қийматда жойлаштирилади.

3.9. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш чоғида уларга ҳақ тўлаш пул ва бошқа тўлов воситалари, мол-мулк, шунингдек пулда ифодаланадиган баҳога эга бўлган ҳуқуқлар (шу жумладан мулк ҳуқуқлар) орқали амалга оширилади.

3.10. Жамиятнинг устав капиталини кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан ошириш Кузатув кенгаши томонидан амалга оширилади.

3.11. Жамият томонидан пул маблағлари билан тўланадиган акциялар ва акцияларга айрибошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозлар жойлаштирилганда, жамиятнинг овоз берувчи акциялари эгалари ўзларига тегишли шу типдаги акциялар миқдорига пропорционал равишда акцияларни сотиб олиш бўйича имтиёзли ҳуқуққа эгадирлар.

б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш

3.12. Жамиятнинг Устав фонди акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.13. Агар устав капиталини камайтириш натижасида унинг миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдоридан камайиб кетса, Жамият устав капиталини камайтиришга ҳақди эмас.

3.14. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ ВА УЛАР БЎЙИЧА ДИВИДЕНДЛАР ТЎЛАШ ТАРТИБИ

4.1. Жамиятнинг акциялари оддий бўлиб, эмиссиявий қимматли қоғозлар ҳисобланади.

4.2. Дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига кўра пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёхуд жамиятнинг қимматли қоғозлари билан тўланиши мумкин.

4.3. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

4.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

4.5. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор жамият кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик ҳулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

4.6. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

Дивидендларни тўлаш муддати ва тартиби акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорида белгиланади. Дивидендларни тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан олти кундан кеч бўлмаслиги лозим.

Жамият томонидан оддий акциялар бўйича ҳисобланган дивидендларни тўлаш акциядорларнинг дивидендларни олишга бўлган тенг ҳуқуқдарига риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

V. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИ

5.1. Жамият соф фойда ҳисобидан захира фондини ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилишида аниқланадиган, жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни ташкил этади.

5.2. Жамиятнинг захира фонди, бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

5.3. Жамият устав капиталининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади.

5.4. Жамият захира фондига ушбу уставнинг 5.3-бандида белгиланган миқдорга еттунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдоридан ажратмалар ўтказилади.

5.5. Захира фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

VI. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. Жамиятнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил ҳажмда ҳуқуқлар беради.

6.2. Оддий акцияларнинг эгалари бўлган акциядорлар ушбу Қонунга ва жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, жамият тугатилган тақдирда эса, ўзларига тегишли улушга мувофиқ жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга.

Акциядорлар, жумладан миноритар акциядорлар овоз беришда ўз позицияларини шакллантириш мақсадида акциядорлик келишувларини тузишлари мумкин.

6.3. Акциядорлар ҳуқуқлари:

- тегишли жамият акциядорларининг реестрига киритилиш;
- инвестиция воситачисидagi депо ҳисобварағидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
- жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- жамиятнинг молия-ҳужалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборотни белгиланган тартибда олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланишини белгиланган тартибда талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш мақсадида уюшмаларга ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозларни олишда зарар кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликларни сугўрта қилиш ҳуқуқига эга.
- Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда инвестиция воситачиси томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

- Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шаҳе, агар у бунгача жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки жамият акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор қиймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини 30 кун ичида эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан 30 кун ичида олинган тақдирда, жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт.

6.4. Акциядорлар куйидагиларга мажбур:

- мазкур Устав ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган тартибда, миқдорда ва усуллар ёрдамида акцияларга ҳақ тўлаш;
- жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги махфий маълумотни ошкор этмаслик;
- уз ҳаракатлари билан Жамиятнинг манфаатларига зарар етказмаслик.
- ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи инвестиция воситачисини хабардор қилиш.
- миноритар акциядорлар асоссиз равишда ҳужжатлар талаб қилиш, конфиденциал маълумотлар ва жамиятнинг тижорат сирларидан фойдаланиш орқали

жамият бошқаруви органлари фаолиятига халал бермасликлари керак.

6.5. Акциядорлар, шунингдек мазкур Устав ва амалдаги қонунчиликда кўзда тутилган бошқа ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга.

VII. ЖАМИЯТ БОШҚАРУВИНИНГ ТУЗИЛМАСИ

7.1. Жамиятнинг бошқарув органлари - Акциядорларнинг умумий йиғилиши, Кузатув кенгаши ва Ижроия органи.

VIII. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

8.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

8.2. Жамият ҳар йили Акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмай ўтказилади. Акциядорлар умумий йиғилиши, қоида тариқасида, ҳар йили июн ойининг 10 санасидан 30 санасигача ўтказилади.

- Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб қаида бир фоиизга эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) қун тартиби, соф фойдани тақсимлаш, жамият қузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар бўйича уларни йиғилиш ўтказилгунга қадар алмаштириш имқонияти билан тақлифлар қиритишга ҳақли.

- Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб қаида бир фоиизга эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (туқсон) қундан кечиктирмай акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қун тартибига масалалар ва соф фойдани тақсимлаш юзасидан тақлифлар қиритишга ҳамда жамият қузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар қўрсатишга ҳақди.

8.3. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтқазиладиган санадан уч иш қуни олдин шакллантирилган жамият акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

8.4. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтқазиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллиқ фоииздан қўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вақиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши вақолатли (қворумга эга) бўлади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтқазиш учун қворум бўлмаса, акциядорларнинг тақрорий умумий йиғилишини ўтқазиш санаси эълон қилинади.

Акциядорларнинг тақрорий умумий йиғилишини ўтқазишда қун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Агар акциядорларнинг ўтқазилмай қолган йиғилиши ўрнига қақирилган тақрорий умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтқазиш тугалланган пайтда жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами қирқ фоииздан қўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вақиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг тақрорий умумий йиғилиши вақолатли бўлади.

8.5. Акциядорлар умумий йиғилишининг вақолат доирасига қуйидагилар қиради:

- жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар қиритиш ёқи жамиятнинг янги тақрирдаги уставини тақдиқлаш;

- жамиятни қаита тақкил этиш;

- жамиятни тутатиш, тугатувқини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва яқуний тугатиш балансларини тақдиқлаш;

- жамият қузатув кенгашининг ва миноритар акциядорлар қўмитасининг сон таркибини белқилаш, уларнинг абзоларини сайлаш ва абзоларнинг вақолатларини муқдатидан илгари тугатиш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- жамиятнинг устав капиталини камайтириш;
- ўз акцияларини олиш;
- жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини (тафтишчисини) сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси (тафтишчи) тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва жамият фаолиятининг асосий йуналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;
- жамият кузатув кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини ва тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) хулосаларини эшитиш;
- жамият томонидан корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) комненсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;
- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- жамиятнинг жорий ҳужалик фаолияти билан боғлиқ битимларини аниқлаш;
- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдорини тасдиқлаш ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

8.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йиғилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йиғилишда раислик қилувчи ва умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар ўттиз кундан кечиктирмай акциядорлар эътиборига етказилади.

8.7. Жамият Акциядорлар умумий йиғилиши Жамиятнинг «Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида»ги Низом асосида чақирилади ва ўтказилади.

IX. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

9.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

9.2. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан 3 (уч) йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 5 (беш) кишидан иборат.

9.3. Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган шахслар чекланмаган

тарзда қайта сайланиши мумкин.

Жамият бошқаруви аъзолари ва бошқарув раиси жамиятнинг кузатув кенгашига сайланиши мумкин эмас.

Айни шу жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.

9.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича курилаётган чора-тадбирлар тўғрисида жамият ижроия органининг ҳисоботини мунтазам равишда эшитиб борган ҳолда жамият фаолиятининг устувор йуналишларини белгилаш;

- акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йиғилишларини чақириш, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар мустасно;

- акциядорлар умумий йиғилишининг қун тартибини тайёрлаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун жамият акциядорларининг реестрики шакллантириш санасини белгилаш;

- жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқдаш масалаларини акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳал қилиши учун киритиш;

- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

- ички аудит хизматиини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чоракда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

- жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

- мажбурий бўлмаган аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

- дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

- жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

- жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

- жамиятнинг шуъба ва тобе ҳужалик жамиятларини ташкил этиш;

- қимматли қоғозлар чиқарилиши тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;

- акцияларни жойлаштириш нархини белгилаш;

- аввал рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар чиқарилишларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш;

- жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

- қонунчиликда белгиланган ҳолларда Жамият томонидан йирик битимлар ва жамият аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамият Бош директорининг ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилгунга қадар унинг вазифасини вақтинча бажарувчи қилиб ишлаб чиқариш бўйича директор тайинланади;

- жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

- акциядорларнинг умумий йиғилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган доирада хомийлик (хайрия) ёки бегараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартибини ва шартларини белгилаш (ушбу тартиб жамиятнинг веб-сайтида ошқор этилишини таъминлаш);

- жамият кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат Стратегия

ва инвестициялар, Аудит, Тайинловлар ва ҳақ тўлаш, Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмиталарини ташкил этиш;

- корпоратив маслахатчини тайинлаш ва унинг фаолияти тартибини белгиловчи низомни тасдиқлаш.

9.5. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.

9.6. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.

9.7. Жамият Кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, Кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади.

9.8. Жамият Кузатув кенгаши раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири амалга оширади.

9.9. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Заруриятга кўра Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари ҳам ўтказилиши мумкин.

9.10. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, агар қонуничиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси уз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришига ҳақди эмас. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тент бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

9.11. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб бир фоиздан кам бўлмаган улушига эгаллик қилувчи акциядор(лар) жамият кузатув кенгаши мажлисини чақириш ҳуқуқига эга.

9.12. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг «Кузатув кенгаши тўғрисида»ги Низом асосида иш олиб боради.

X. ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

10.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яқкабошчилик асосидаги Ижроия органи - Бош Директор томонидан олиб борилади.

10.2. Бош директор жамиятнинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистан Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

10.3. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

10.4. Жамият Бош Директори жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан 3 йил муддатга тайинланади ва у билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди. Жамият Бош директори лавозимида тайинлаш, қоида тариқасида, чет эллик менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов бўйича саралаш асосида амалга оширилади.

10.5. Бош директорга тўланадиган ҳақ миқдори Жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, меҳнат шартномасида белгиланади.

10.6. Бош директорнинг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар қиради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув

кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

10.7. Бош директор Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

10.8. Бош директорнинг ваколатларига қуйидагилар киради:

- мазкур устав ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини химоя қилиш;

- Жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш;

- штатларни тасдиқлаш, Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини куллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини саклаб туришини таъминлаш;

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- уз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;

- амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга уз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

10.9. Бош директор уз ҳуқуқларини амалга оширишда ва уз мажбуриятларини бажаришда Жамият манфаатларини кузлаб иш тутиши лозим.

10.10. Бош директор қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ Жамият оддида жавобгардир.

10.11. Бош директор мазкур устав ва Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ижроия органи тўғрисида» ги Низом асосида иш олиб боради.

10.12. Акциядорлар умумий йиғилишида жамият акциядори (акциядорлари)нинг ишончли вакили сифатида иштирок этаётган ижроия органи аъзолари йиғилиш кун тартибидаги ижроия органи аъзоларини тайинлаш (сайлаш) масаласи бўйича овоз бериш ҳуқуқига эга эмас.

10.13. Агар жамиятнинг ижроия органи томонидан йирик битим ёки аффилиланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда жамият ижроия органи раҳбарининг айби қонунчиликда белгиланган тартибда исботланса, жамиятнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади. Ижроия органи ўз жавобгарлигини суғурталаш ҳуқуқига эга.

XI. ЖАМИЯТНИНГ ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ

11.1. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш хаки миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган тақдирда жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Жамият активларининг баланс қиймати энг кам иш хаки миқдорининг юз минг баробаридан кам бўлган ҳолатда ички аудит хизмати ташкил этиш Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

11.2. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга

риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хужалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сакланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишни текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Жамиятнинг ички аудит хизмати ички назоратни амалга оширади, жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

11.3. Жамиятда корпоратив қонунчиликка амал қилиш ва уни назорат қилиш вазифаларини бажарувчи, жамият кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган корпоратив консултант лавозими жорий қилинади.

XII. АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ

12.1. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хужалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик ҳулосасини тақдим этади.

12.2. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборот ҳақидаги нотўғри ҳулосани уз ичига олган аудиторлик ҳулосаси тузилганлиги оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

XIII. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

13.1. Жамиятни қайта ташкил этиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиш чиқариш ва ўзгартириш шаклида амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда юридик шахсларни қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш фақат ваколатли давлат органларининг розилиги билан амалга оширилиши мумкин.

13.2. Янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади, бундан қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш мустасно.

13.3. Жамият бошқа юридик шахсга қўшиб юбориш йўли билан қайта ташкил этилганда рўйхатдан ўтказувчи орган қўшиб юборилган юридик шахснинг (жамиятнинг) фаолияти тугатилганлиги ҳақидаги ёзувни юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритган пайтдан эътиборан жамият қайта ташкил этилган деб ҳисобланади.

13.4. Қайта ташкил этиш натижасида янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда қайта ташкил этилган юридик шахсларнинг фаолияти тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувни киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

13.5. Қайта ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан уттиз кундан кечиктирмай жамият уз кредиторларини бу ҳақда ёзма шаклда хабардор этади. Кредитор жамиятдан мажбуриятларни тугатишни ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарларнинг ўрнини қоплашни қуйидаги муддатларда ёзма равишда хабардор этиш орқали талаб қилишга ҳақли:

- қўшиб юбориш, қўшиб олиш ёки ўзгартириш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан уттиз кундан кечиктирмай;

- бўлиш ёки ажратиш чиқариш шаклида қайта ташкил этиш ҳақидаги ёзма билдириш жамият томонидан кредиторга юборилган санадан эътиборан олтмиш кундан кечиктирмай.

13.6. Агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг ҳуқуқий ворисини аниқлаш имконини бермаса, янгидан вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилган жамиятнинг уз кредиторлари олдидаги мажбуриятлари юзасидан солидар

жавобгар бўлади.

13.7. Рўйхатдан ўтказувчи орган қайта ташкил этиш натижасида тугатилаётган жамият қимматли қоғозларининг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан, шунингдек у юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан чиқарилганидан кейин янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширади.

13.8. Жамиятнинг тугатилиши ҳуқуқ ва мажбуриятларни ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда жамият фаолиятини тугатишга сабаб бўлади.

13.9. Жамият ихтиёрий равишда тугатилган тақдирда, тугатилаётган жамиятнинг кузатув кенгаши жамиятни тугатиш ва тугатувчини ёки тугатиш комиссиясини (бундан буён матнда тугатувчи деб юритилади) тайинлаш тўғрисидаги масалани акциядорларнинг умумий йиғилиши хал қилиши учун олиб чиқади.

13.10. Ихтиёрий равишда тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши жамиятни тугатиш ва тугатувчини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилади.

13.11. Жамият суднинг қарорига кўра тугатилаётганда тугатувчини тайинлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Тугатувчи тайинланган пайтдан эътиборан жамият ишларини бошқариш бўйича барча ваколатлар унта утади. Тугатувчи тугатилаётган жамият номидан судда иштирок этади.

13.12. Тугатувчи жамиятнинг тугатилиши ҳақида, шунингдек унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддатлари тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларида эълон беради. Кредиторлар томонидан талаблар тақдим этиш учун муддат жамиятнинг тугатилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим

Тугатувчи кредиторларни аниқдаш ва дебиторлик қарзларини олиш чоратадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма шаклда хабардор қилади.

13.13. Кредиторларнинг талаблар қўйиши учун белгиланган муддат тугатганидан кейин тугатувчи оралик тугатиш балансини тузади, мазкур балансда тугатилаётган жамият мол-мулкининг таркиби, кредиторлар томонидан тақдим этилган талаблар, шунингдек уларни кўриб чиқиш натижалари ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади. Оралик тугатиш баланси тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

13.14. Агар тугатилаётган жамиятдаги мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаса, тугатувчи жамиятнинг мол-мулкани суд қарорларини ижро этиш учун белгиланган тартибда кимошди савдосида сотишни амалга оширади.

13.15. Тугатилаётган жамият кредиторларига пул суммаларини тўлаш тугатувчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида оралик тугатиш балансига мувофиқ, ушбу баланс тасдиқданган кундан бошлаб амалга оширилади.

13.16. Кредиторлар билан ҳисоб-китоблар тугатганидан кейин тугатувчи тугатиш балансини тузади, тугатиш баланси тугатилаётган жамият акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

13.17. Тугатилаётган жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин Қолган мол-мулки тугатувчи томонидан акциядорлар ўртасида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

13.18. Рўйхатдан ўтказувчи орган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига тегишли ёзувни киритган пайтдан эътиборан жамиятни тугатиш тамомланган, жамият эса фаолиятини тугатган деб ҳисобланади.

Рўйхатдан ўтказувчи орган жамият тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни фақат жамиятнинг қимматли қоғозлари чиқарилишлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади.

XIV. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

14.1. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг узаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади.

14.2. Низо ва келишмовчиликларни музоқаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

14.3. Мазкур Устав Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб қучга қиради.

«ORGRES» акциядорлик жамияти
Бош директори



Д.Х. Эгамбердиев